

ISSN 2181-6131

# ТАФАККУР



# ZIYOSI

ilmiy-uslubiy jurnal

Тафаккур зиёси 1/2019

**16**

*Ижтимоий ҳаёт  
ва фалсафа*

**31**

*Филология:  
тил, адабиёт ва  
фольклор*

**65**

*Инновация ва  
педагогик  
таълим*

**76**

*Мозий  
садолари*

**86**

*География ва  
туризм*

**93**

*Илм-фан  
ва техника*

**ТАХРИРИЯТ:**

**РУС ТИЛИ ТАРЖИМОНИ:**

Фервза ШУКУРОВА

**ИНГЛИЗ ТИЛИ ТАРЖИМОНИ:**

Камол НОРМУРОДОВ

**МУСАХХИҲА:**

Санам ИСРОИЛОВА

**МУСАХХИҲА:**

Сорахон НОРКУЛОВА

**Журнал Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасидан 2018 йил 28 мартда 06-037 рақам билан рўйхатга олинган.**

Журнал йилда 4 маротаба (ҳар чоракда) ўзбек тилида чоп этилади.

Матнларда фойдаланилган мисол кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар масъулдирлар.

Журналдан кўчириб босилганда манба қайд этилиш шарт

**МАНЗИЛ:**

130100, Жиззах шаҳри,

Ш.Рашидов кўчаси,

4-уй, асосий бино

**ТЕЛЕФОН:**

(99872) 226 02 93,

(99890) 643 29 64

**ФАКС:**

(99872) 226-46-56

Журнал андозаси  
Ахборот технологиялар  
марказида

**Собир СИБГАТУЛЛИН**

томонидан тайёрланди

**“VNESHINVESTPROM” МҲЖ**

**босмаҳонаси,**

Тошкент шаҳр, Навоий кўчаси,

30-уй

2019 йил 20 март куни

босмаҳонага

топирилди.

Қоғоз бичими А4

Буюртма: 14

Нашр адади: **100**

**ИННОВАЦИЯ ВА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ**

**Ҳалима ШУКУРОВА.** Бошланғич таълим тизимида инновацион технологиялардан фойдаланиш (“Хуснихат ва саводхонликни такомиллаштириш” фани мисолида) .....65

**Бахтиёр МИРКОМИЛОВ.** Талабаларни Камолитдин Беҳзод мероси билан таништириш .....67

**Ҳайдарали НАЗАРОВ.** Мактабгача ёшдаги болаларни мусиқий ритмик ҳаракатларга ўргатишда методологик инновацион ёндашув.....69

**Дилноза ТУЛАНОВА, Рўзимурод ЭСОНОВ.** Тасвирий санъатни тушунтиришнинг муҳим дидактик воситаси.....71

**РУҲИЯТ ОЛАМИ**

**Ҳолмат ШОДИЕВ, Обид АЗИЗОВ.** Инкирозий суицидал ҳолат: муаммо ва ечимлар.....73

**МОЗИЙ САДОЛАРИ**

**Мухторқул ПАРДАЕВ, Гулчеҳра МУМИНОВА.** Жиззах (Дизак)нинг муғуллар томонидан истило қилинишига доир янги мулоҳазалар .....76

**Зиёдулла ХОЛБОЕВ.** Қалиятепанинг 3-рабоди мудофаа тизими ҳақида дастлабки мулоҳазалар .....79

**Ахрорқул ПАРДАЕВ, Тўлқин ҲОШИМОВ.** XV-XVI аср ёзма манбаларида Жиззах шаҳри тарихининг ёритилиши .....81

**Акбар ВАЛИЕВ, Фирдавс МАЖИДСОВ.** Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳимоя сиёсатининг эволюцияси.....83

**ГЕОГРАФИЯ ВА ТУРИЗМ**

**Кўчқор ҲАКИМОВ, Бекзод ҲАКИМОВ.** Халаж этноними ва унинг ҳудудий тарқалиши ҳақида .....86

**Шодиқул ХОЛИҚУЛОВ, Машираб УСМОНОВ.** Ўзбекистонда халқаро туризмни ҳудудий ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари .89

**ТАБИАТ ВА ӨЛАМ**

**Худойбергн МАВЛОНОВ, Сурайё ҚОДИРОВА.** Чўл ўсимликларининг интродукцияси ва серҳосил яйловларни ташкил этиш хусусида.....91

**ИЛМ-ФАН ВА ТЕХНИКА**

**Мақсуд ЖАББОРОВ.** Ацетилен углеводородлари - кимё саноатининг бирламчи хом-ашёси.....93

**ЁШ ТАДҚИКОТЧИЛАР**

**Мансур НАБИЕВ.** Демократик жамиятда ижтимоий-маънавий қадриятларнинг ривожланиш истиқболлари .....96

**Паризод ТУРОПОВА.** Жиззах адабий муҳитида ижтимоий давр ва шахс маънавиятининг акс эттирилиши.....98

**Баҳром СОАТОВ, Достон ОДИЛОВ.** Айдар-Арнасой қўллар тизими ҳудудидаги қушлар ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари.100

**Жўрабек ЖУМАЕВ.** Оролни қутқариш - умумий муаммо (Марказий Осиё давлатлари мисолида).....102

**Мурод УСМОНОВ, Чарос ТОҲИРОВА.** Таълим жараёнида интерактив электрон ўқув курслар яратишнинг технологик асослари.....104

**Фаррух АҲМЕДОВ, Акрам АБДУЛАҲАТОВ.** Дзюдочилар тайёрлашнинг замонавий тенденцияси.....106

**Акбар АБДУРАҲМОНОВ.** Давлат ва жамият бошқарувида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги.....108

**ЖАВОНДАГИ ҲАЗИНА**

**Феруза ЗОИРОВА.** Бадий адабиётнинг баркамол инсонни камол топтиришдаги роли .....110

**Назира МУҲИТДИНОВА.** “Дублинликлар” ҳикоялари тўпламида макон ва замон тавсифи (“Опа-сингиллар” ҳикояси мисолида) .....112

УДК: 32с1.

# ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мансур НАБИЕВ - мустақил изланувчи  
Ўзбекистон Миллий университети.

«Бугун принципиал жиҳатдан қоят муҳим бўлган бир фикрни яна таъкидлаб айтишни жоиз деб биламан: Ўзбекистон ва унинг бағри кенг халқи тинчликсевар сиёсат юритиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан қараш тамойилларини амалга ошириш позициясида доимо мустаҳкам туриб келмоқда» [1,9].

Демократик жамият тарихда инсоннинг онгли ҳаёти бошланган давридан унинг эрқу иродасини, хоҳиш-истагини белгилайдиган мезон сифатида юзага кела бошлаган.

Демократия бевосита жамият тараққиёти, унинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва бошқа жиҳатлари билан бирга аша шу жамиятни ташкил этган аҳоли умумий дунёқарашини ҳам ўзида мужассам этади. Ҳар қандай давлат ўз маънавий негизига, ҳуқуқий асосига, сиёсий режими, бошқарувдаги аниқ тамойилларига таянган ҳолда шаклланиб келади. Шу билан инсон давлатнинг демократик тамойиллар асосида ривожланиши йўлида фаоллик кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу жараёнда унинг демократик ижтимоий-маънавий қадриятларнинг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Демократиянинг бугунги кунгача ривожланиб такомилланиб келиши узқ бир тарихни босиб ўтди. Демократия ҳозир ҳам ривожланишда такомилланишда давом этмоқда. Демократиянинг ривожланиши шарқ ва ғарб дунёсида алоҳида-алоҳида ҳолда ривожланганлигини кўришимиз мумкин.

Демократияни англаш шахспинг ҳамма учун бирдай зарур бўлган қонунларга риоа этиш, аниқ тартиб-интизомга таяниб янаш салоҳиятидир. Демократия инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, миллий, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларини асрайдиган, барча қонунларга таяниб яшашни ўргатадиган қадрият ҳисобланади.

Ўзбек халқининг ҳозирги миллий маънавияти ва қадриятлари ўтмиш миллий маънавиятининг давоми бўлиб, уларга дўстлик, инсонпарварлик, мардлик, самимийлик, она юртига садоқатлилик, халқига ҳурмат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсофлилик, ростгўйлик, миллий гурур, мустақилликни қадрлаш ва бошқа миллий-маънавий ахлоқий фазилатлар киради. Бундай фазилатларнинг қанчалик шакланганлиги ва ривожланганлиги миллатнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиб беради ва давлатчиликни ривожлантиришнинг намоён бўлишида ўз ифодасини топади. "Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир" [2,326]. Бу соҳиб-

## Аннотация

Мақолада демократик жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари, демократик жамиятда ижтимоий-маънавий қадриятларнинг ривожланиши, ижтимоий-маънавий қадриятларнинг ривожланишига сабаб бўлувчи омиллар очиб беришга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар. Жамият, демократик жамият, қадрият, миллий қадрият, умуминсоний қадрият, ижтимоий-маънавий қадриятлар, ривожланиш, истиқбол, миллий маънавият, миллий ўзлик, миллий ўзлики англаш, характер, миллат характери

В статье рассматриваются особенности демократического общества, развитие социальных и духовных ценностей в демократическом обществе, а также факторы, способствующие развитию социально-духовных ценностей.

Ключевые слова: Общество, демократическое общество, ценности, национальные ценности, общечеловеческие ценности, социально-духовные ценности, развитие, перспективы, национальная духовность, национальная идентичность, национальное самосознание, характер, национальный характер

The article deals with the features of a democratic society, the development of social and spiritual values in a democratic society, and factors that contribute to the development of socio-spiritual values.

Key words: Society, democratic society, values, national values, universal values, socio-spiritual values, development, prospects, national spirituality, national identity, national self-consciousness, character, national character

қирон Амир Темурнинг "Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсангиз, биз қурдирган биноларга қаранг" [3,45] деган фикр миллий маънавиятнинг аҳамиятли томонини кўрсатади.

Зеро миллий маънавиятнинг ўзига хос жиҳати ҳам айнан шундай намоён бўлади. Чунки Ўзбекистон Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида, маърузарида, чиқарётган қарор ва фармонларида адолат, инсонпарвар демократияни янаам ривожлантириш масаласи мавжудлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистоннинг Биринчи Президентини И.А.Каримов асарларида С.Отамуратов, И.Эргашев ва бошқа тадқиқотчи профессор олимларимиз ўз асарларида таъкидлаганидек, "...дунёни шундай идрок этаётган халққа бошқа халқлар амал қилган ва қилаётган урф-одат, анъаналарни "кўчириб" айнан шундай ҳолда татбиқ этиб бўлмайди. Жамият сиёсий, ижтимоий маънавий ҳаётида ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳатлари кўринар экан, халқнинг ўзига хос анъаналарига, хусусиятларига таянмаган ҳолда ўзга мафқуранини жорий этиш, давлат ва жамият қурилиши ишларини амалга оширишга уриниш жамиятда ҳар бир халқнинг ўзига хос ва мос ривожланиши қонунига зиддир" [4,148].

Миллий маънавият давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий фаровонлигини таъминлаш, халқаро ҳаётдаги ролини ошириш каби вазифаларни ҳал қилишда муҳим ўринни эгаллайди. Шу маънода маънавият ва давлат қурилишида қуйидагиларни таъкидлаш лозим:

Биринчидан, миллий маънавият, демократик жамият ва миллат равнақининг бош омили сифатида намоён бўлмоқда. Иккинчидан, бошқарувда маънавият восита бўлиб, унга тарихан ва шароитдан келиб чиқиб ёндашиш муҳим аҳамиятга эгадир. Учинчидан, давлат қурилишида миллий маънавият умуминсонийлик ва минтақавий маънавият билан бирга ўзаро муштарак томонлари ҳисобга олинishi зарур бўлади.

Демак, маънавиятни ривожлантириш демократик жамият ва унда яшовчи инсонларнинг маънавий бойлигини ошириш учун зарур бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, давлат мустақиллигини ва миллатнинг мавжудлигини таъминлашнинг қудратли маънавий кучи ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам маънавият ҳар қандай давлатнинг сиёсатида мустақил йўналишни ташкил қилиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига эҳтиёжнинг орғиб бораётганлиги кузатиламоқда. Ўзбекистон Республикасида демократик хусусиятларини шакллантиришда миллий маънавиятни уйғун ҳолда ривожлантириш зарурлигини кўрсатган.

Демократия юксак маънавий салоҳиятнинг кўриниши ҳисобланади. Маънавий қаттиқлик демократияга эмас, балки анархияга давлат ва жамиятнинг емирилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам маънавиятга юксалтиришга қараганда сиёсатгагина чинакам демократик тамойиллар ривожланишини таъминлаши мумкин бўлади.

Миллий истиқлол ғояси Ўзбекистон халқининг руҳиятини, гурур-ифтихорини, қудратини, орзу-иштишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига руҳиятига асосланиб келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сиғдириши лозим. Миллий руҳият, миллий оғи ва сиёсий маданият, миллий бирдамлик туйғуси замида шаклланидиган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади. Бу бежиз эмас, албатта. Бу ерда гап миллий руҳият, она-Ватанга бўлган севги-садоқат тўғрисидаги ғоялар жамиятнинг демократиялаштириш жараёнларида акс этиши ҳақида бормоқда. Зеро, миллий истиқлол ғояси концепциясида кўрсатилганидек, "Бизнинг бош стратегик мақсадимиз-бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барло этишдир" [5,28].

Ҳақиқий ватанпарварлик - бу миллат, ватан манфаати деб яшаш, унинг истиқболи, бахт-саодати йўлида ҳаётини тиккан кишини халқ ҳам, тарих ҳам унутмайди. Демак, ватанга муҳаббатни одамлар тантанавор хитоблар ва умумий гаплар, шовқин-суронлар билан эмас, меҳнат билан, амалий ишлар билан исбот этишлари лозим бўлади. Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат ишчининг дастгоҳ ёнида, дехқоннинг далада, шифокорнинг шифохонада, муаллимнинг синф хонасида, куллас, ҳар кимнинг ўз жойида туриб қилаётган меҳнати билан қўшилиб кетмаса, амалий ишлар билан мустаҳкамланмаса, ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Ҳозирги пайтда асосий вазифа ана шу назарий қоида ва йўл-йўриқларни мукамал ўзлаштириб, қалбдан чуқур ҳис этиб, ҳаётга удабуронлик билан қўллаш, уларга суяниб, асосланиб, бунёдкорлик ишларини олиб боришдан иборат-

дир.

Халқимизнинг зукко фарзандлари, шоиру ёзувчилар, олиму санъаткорлар, зиёлилар зиммасига миллий истиқлол ғоясини тарғиб-ташвиқ қилишда, кенг жамоатчилик онгига сиғдиришда катта масъулият юклайди. Мустақилликни мустаҳкамлаш, унинг тақдирини ҳал этиш кўп жиҳатдан аҳли донишларга ҳам боғлиқ эканлиги ҳаётнинг ўзи очик-ойдин кўрсатиб турибди. Уларни ана шу йўлда сафарбар эта билиш муҳим аҳамиятга молик.

Миллий руҳият - миллат, халқ, кишилар ҳаётининг бевосита меҳнати, мавжуд ишлаб чиқариш восита ва қуроллари, турмуш тарзи таъсирида вужудга келган маънавий қиёфаси, урф-одат, анъаналарини, ҳиссиётлар, кайфиятлар, одатлар, ҳаёллар каби тартибга тушмаган назарий жиҳатдан асосланган, системалашмаган тарздаги кўринишидир. Келтирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

1) ўз-ўзини, миллий ўзликни англаш - бу миллий бирликка, миллий аҳиллик ва миллий тотувликка ҳамда демократик жамият қуришга эришишнинг асосларидан бири ҳисобланади. Миллатнинг тарихий тараққиёт йўлини, насл-насаби, авлод-аждодаларининг ким бўлганлиги ва уларнинг жаҳон илм-фани ва маданият тараққиётига қўшган ҳиссаларини билиб олиш билан бирга давлатчилиги ривожини, унинг демократик асосларини миллий руҳ билан боғлиқ ҳолда англашни ҳам билдиради; 2) миллий ўзликни англаш - унинг жамият ва ватаннинг порлоқ истиқболларини таъминлаш учун қандай имкониятлар ва қандай қулайликларга эга эканлигини чуқур англаб етиши, улар билан чексиз фахрланиш, мавжуд имкониятларини юзага чиқариш, реал воқеаликка айлантириш учун ўзини сафарбар этиш, барча имкониятлари, куч-қайратларини демократик жамият қуриш вазифаларини амалга оширишга ундайди, унинг афзаллигини англаб етати; 3) ўз-ўзини чуқурроқ англаб етган, кўзи очилган, ақли етилган, ғоявий сиёсий жиҳатдан уйғунган ва жиҳслашган халқ ва миллатни, ўтмишда бўлганидек, мустақилликни кўрсатишда ушлаб туриши, тил, маданияти, қадриятларини беқ ости қилиш, бойликларини талаб кетиши, ҳуқуқларини пойёзон этиши, давлат мустақиллигидан жудо этили билан бирга демократик тараққиёт йўлидан қайтарилиш мумкин эмас; 4) сиёсий маданиятни, миллий онг ривожланиши, ўзликни англаб етган халқ мустақилликнинг, демократик жамият қуришнинг бутун кучига айланади. Халқнинг куч-қудрати унинг сони билан ўлчанмайди, балки сиёсий етуклиги, миллий онгининг ўсганлиги, ўз-ўзини англаб етганлиги, миллий уюшганлиги билан белгиланади. 5) миллий истиқлол мафкураси барча фуқароларнинг ўз оиласи, насл-насаби, ўтмиш маданияти ва тарихи, миллий туйғу ва гурури билан фахрланиш ҳамда демократик жамият қуриш йўлида қалбдан бирлаштиришга хизмат қилади; 6) миллий гурур ўз халқининг тарихи, маънавий қадриятлари, республикамиз имкониятлари ва истиқболини билиш ва қадрлаш, фахрланиш, миллий манфаатларини амалга оширишга ҳаракат қилиш билан боғлиқ бўлган фазилати, ҳислатлари, хусусиятлари мажмуаси сифатида намоён бўлади. Миллий гурур ўз халқини бир неча минг йиллар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти барча тарихий ютуқлари ва сабоқларига чексиз хурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асраш орқали демократик қадриятларни, демократик жамиятнинг афзалликларини ҳам қадрлаш туйғусига эга бўлади.

миллий онгининг ривожланиши фақат миллатнинг ички имкониятлари билан чеклашиб қолмайди, унинг дунёни тушуниши, унда содир бўлаётган воқеа, ҳодисалар ва жараёнлардан хабардор бўлиши, дунёда инсоният қўлга киритаётган ютуқларни миллий тараққиётга кенг жалб қилишга интилиш кабиларда ҳам намоён бўлади. Шу маънода, ҳам бутунги кунда миллийликни умуминсонийлик ютуқлари билан уйғунлаштириш асосида таълим ва тарбияни кучайтиришга эҳтиёж ошиб бормоқда.

Ўз халқининг тарихини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини билмаган ва қадрламаган, миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишиларда миллий гуруҳ ҳам, миллати билан фахрланиш ҳам, миллатпарварлик ҳам айни пайтда демократик қадриятлар билан нодемократик қадриятларнинг фарқи бормаслик каби салбий ҳолатлар мавжуд бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Демократик жамият ривожланишида ижтимоий-маънавий қадриятларнинг ўзгариши муҳим ўрин тутади ва уларнинг ўрни, жамиятнинг ривожланиши ва аҳолининг савиясининг такомилланиши жараёнида унинг роли ҳам мунтазам ошиб боради;

Биринчидан, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этишда, кўп партияли тизим демократик институт ҳисобланади ва муҳим

аҳамият касб этади.

Иккинчидан, Мустақиллик Ўзбекистонда янги, демократик жараёнларни бошлаб берди. Бу фуқароларнинг давлат ва жамиятнинг бошқарувида иштирок этишида янги давр бўлиб, у халқларнинг ўз эрки, хоҳиш-иродаси ва ўз тақдирини ўзи ифода этишининг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини кафолатлаб беради.

Учинчидан, мустақиллик шароитида Республикада давлат ҳокимияти ва унинг бошқарув шакли Президентлик Республикаси сифатида, уни амалга ошириш жараёнида, ўзининг демократик характери билан тоталитар режим сиёсий тизими ва уни амалга оширишнинг сохта демократик моҳиятидан тубдан фарқ қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2016. Б.9.
2. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.б. - Т.: "Ўзбекистон", 1998, 326-бет.
3. Амир Темур уғитлари. - Т.: "Наврўз", 1992,45-б.
4. Отамуродов С., Эргашев И., Ақромов Ш., Қодиров А. Политология, Т.: "Ўзбекистон", 1999, 148-бет.
5. Миллий истиқлол юзаси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: "Ўзбекистон", 2000. 28-бет.

УДК: 32e1.

# ЖИЗЗАХ АДАБИЙ МУҲИТИДА ИЖТИМОЙ ДАВР ВА ШАХС МАЪНАВИЯТИНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ

*Туропова Паризод - мустақил изланувчи  
Жиззах давлат педагогика институти.*

**XIX** асрнинг охири ва XX аср бошларидаги давр Туркистондаги ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий ҳаётда алоҳида ўрин тутади. Бу даврда Туркистон Россия томонидан ҳарбий куч билан босиб олинди[1,12]. Бухоро амирилиги ва Хоразм хонлиги расман сақланиб қолган бўлса ҳам, амалда улар 1868 ва 1873 йил шартномаларида биноан Россия вассалига айлантирилади. 1876 йилда Қўдон хонлиги тугатилади.

"Чор истилочилари Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерларини эгаллаш йўлида ҳеч қандай ваҳшийлик ва қотилликлардан тортинмаган. Русия империясининг қонли юришларини мустақиллик даврида ҳолис ёритиш пайти келди. Бу ўринда чор Россиясининг биргина босқинчи генерали Скобелевнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон ерларида олиб борган хунрезликлари таърифга сиймайди. Қонхўр генерал Скобелев ўзининг босқинчи ҳарбий гуруҳи билан 1881 йилнинг 12 январиди Кўктелада 22,5 мингдан зиёд беғуноҳ туркман, қозоқ, ўзбек, қирғизларни ваҳшийёна чопиб ташлайди"[1,12].

**Аннотация**

Ушбу мақола XIX-XX аср бошларида ижтимоий давр ва шахс маънавиятининг Жиззах адабий муҳитида акс эттирилиши тадқиқига бағишланган. **Калит сўзлар:** Бадий санъат, поэтик тафаккур, лирик жозибадорлик, лирик ифода, лирик қаҳрамон, тушунча, жараён.

В данной статье рассматривается отражение экономической эпохи, духовности, личности XIX-XX вв. на Джизакскую литературную среду. **Ключевые слова:** Художественное искусство, поэтическое мышление, лирическое заманчивость, лирическое выражение, лирический герой, понятие, процесс.

The summary: The article is dedicated to investigating how social period and men's spiritual life was reflected in the literary atmosphere in Jizzakh in XIX-XX centuries.

**Keywords:** Fiction art, poetic thinking, lyrical allure, lyrical expression, the lyrical hero, concept, process.

Натижада, бирин-кетин содир бўлаётган воқеалар ва уларнинг оқибатлари Туркистоннинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва адабий ҳаётига ҳам катта таъсир қила бошлайди.

XIX аср охири - XX аср бошлари Муслмон Шарқида ҳам шу каби вазият юзага келди. Бундай тарихий шароитни назардан соқит қилмаслик керак, албатта. Демак,